

# ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

*“Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар-жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлади”*

Ш.Мирзиёев.

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва фаровон бадавлат умр кечирishi, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши бизнинг бош мақсадимиз бўлаётганлигини илғаш қийин эмас. Ҳар бир соҳа вакиллари борки, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойили асосида белларини маҳкам боғлаб ишга киришган.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар қатори бугун Жиззах воҳасининг чекка ҳудудларидан бўлмиш, турли миллат ва элатларни қамраб олган Арнасой туманида ҳам қизғин ишлар давом этмоқда.

Замонавий, шинам ва кўркам бўлган масканда кимнинг ҳам яшагиси келмайди, дейсиз? Яқин ўтган йилларда “Қачон бизнинг уйларда ичимлик суви таъминоти ва оқава сув тизимлари ҳамда иссиқлик таъминоти йўлга қўйилиб, бизнинг маскан ҳам шаҳар қиёфасини оларкан?” дея орзу қилган тумандаги мавжуд 77 та

кўп қаватли уй-жойларнинг 982 та хонадон аҳолиси эндиликда юртбошимиз томонидан олиб борилаётган кўламли ислохотларга шукроналик билан умргузаронлик қилмоқда.

Жойларда, ҳар бир ҳудудда кенг қамровли таъмирлаш ва тиклаш ишлари жадал олиб борилаётир, бунда тумандаги кўп қаватли уй-жойларни ўз ичига олган 6 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, ушбу ширкатларни кўллаб-қувватловчи 4 та тижорат банк филиаллари бириктирилиб, аҳоли учун қулай имкониятлар яратиб берилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3630-сонли “Обод қишлоқ” дастури қарорига асосан ўтган йили Чўлқувар ҚФЙда 7 та, Зарафшон ҚФЙда 7 та, жами 14 та кўп қаватли уй-жойлар тўлиқ таъмирланди, – дейди Арнасой туман уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи И.Шакарров. – Юқорида номлари келтирилган маҳаллалар ҳудудидаги кўп қаватли уй-жойларга туман Сув-оқава ДУК Арнасой туман филиали томонидан



2018 йилда таъмирланган уй.

канализация тизимлари ўрнатилиб, ичимлик сув қувурлари тортиб келтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Обод қишлоқ” дастури қарорига асосан жорий йилда Янгибўстон ҚФЙда 8 та, Бўстон ҚФЙда 10 та, Олтин Водий ҚФЙда 9 та кўп қаватли уйлар таъмирлаш учун дастурга киритилиб, ҳозирда “Таъмирлаш-тиклаш хизмати” давлат унитар корхонаси Арнасой туман филиали томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, илғор ҳудуд бўйича туман марказларида жойлашган 32 та кўп қаватли уй-жойларга 2 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу кўп қаватли уй-жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертиза хулосалари бириктирилган банкларга тақдим қилинди. Бугунги кунда таъмирлаш ишлари бўйича туман марказидаги 2 та хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг 32 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш ишлари жадал кетмоқда.

Кўп қаватли уй-жой фондиди ва мавжуд бино-иншоотларнинг асосий муҳандислик тармоқлари, технологик ускуналарини куз-қиш даврига тайёрлаш, эҳтиёжга қараб жорий ва мукамал таъмирлаш, корхоналарни кўмир, мазут, техник газ, туз, табиий газ, электр энергияси, сув билан таъминлаш, суюлтирилган газни ҳудудлар бўйича етказиб бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шундан Ғолиблар ШФЙдаги “Ғолиблар юксалиш” ХУЖМШга қарашли 15 та кўп қаватли уйларга “Агробанк” Арнасой филиали томонидан 600,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Халқимизда “Қаловини топсанг қор ҳам ёнади”, деган нақл бор. Бежизга айтилмаган эканки, қалови ҳам топилди. Эндиликда кўп қаватли уй-жойлар ичимлик суви билан таъминланмоқда. Бугунги кунга қадар мавжуд 77 та кўп қаватли уй-жойларнинг 18 таси тоза ичимлик суви билан таъминланиб, ҳозирда 41 та кўп қаватли уй-жойларга ичимлик суви тармоқлари ўрнатилмоқда.

Шунингдек, “Арнасой обод сервис” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига қарашли 26 та кўп қаватли уйларга “Халқ банки” туман филиали томонидан 340,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур уйларнинг 4 тасининг том қисми тўлиқ таъмирланиб, 2 та уйнинг том қисмида таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолди. Ушбу уйларга 40 дона замонавий акфа дераза ромлари, 100 дона ёғоч материаллари ва 2 200 дона шиферлар келтирилган бўлиб, 35 дона ромлар ўрнатилди.

Шунингдек 5 та тандирхона, 2 та болалар майдончаси қуриб фойдаланишга топширилиб, бу ерда ҳам қўшимча бинолар қуриш тўлиқ ту-



гатилиб, аҳоли эҳтиёжи учун топширилиш арафасида. 2 та тандирхонанинг девор қисмлари кўтарилиб, ёпишга тайёрланмоқда.

Амалга оширилаётган бундай ишлар мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

– Ҳудудимиздаги 32 кўп қаватли уйда 1,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, – дейди “Ғолиблар” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Ёқубжон Алматов. – Шу кунгача 24 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлаклари, 10 та кўп қаватли уйнинг том қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Уйларнинг кириш йўлагига акфа ромлар қўйилиб, темир эшиклар ўрнатилди. Бу борада “Ғолиблар юксалиш” “Арнасой обод сервис” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг хизмати катта бўлмоқда. Айни кунларда ишлаб чиқилган тадбирлар асосида барча кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунда, албатта, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим ўрин тутмоқда.

**Рустам НУРМАТОВ,**  
**Халқ депутатлари Арнасой**  
**туман Кенгаши депутати**